

«ТАСДИКЛАЙМАН»

«Янгиқўрғон туман»  
Ҳокимлиги



М.Сотиболдиев

« 1 » 2022 й

**БУЮРТМАЧИ:**

**«Янгиқўрғон туман» Ҳокимияти**

**Янгиқурғон тумани Янги Богистон МФЙ худудига  
Ичимлик сув тармогини тортиш мақсадида керакли  
материалларни сотиб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Янгиқўрғон туман-2022**

## **Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

#### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Янгиқўрғон ҳокимлиги ишлаб чиқарувчилар томонидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 89 125 000сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. “Янгиқурғон туман” Ҳокимлиги (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160600, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Янгиқурғон тумани, Мустақиллик майдони кўчаси 1- уй

Эл.адрес: \_\_\_\_\_

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ etender.uzex.uz платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, иш тажрибасига эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, ҳусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.



**Янгиқургон тумани Янги Богистон МФЙ ҳудудига Ичимлик сув тармогини тортиш мақсадида керакли материалларни сотиб олиш учун**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Янгиқургон тумани Янги Богистон МФЙ ҳудудига Ичимлик сув тармогини тортиш мақсадида керакли материалларни сотиб олиш учун
2	Буюртмачи	Янгиқургон тумани ҳокимлиги
3	Буюртма учун асос	Халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг 2022-йил 27-октябрдаги VI-34-132-6-0-К/22-сонли қарори
4	Объектнинг жойлашган манзили	Янгиқургон тумани Янги Богистон МФЙ
5	Катнашувчи учун талаблар	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Шу соҳада иш тажрибаси бўлиши</li> <li>2. Белгиланган муддатда етказиб бериши</li> <li>3. Ушбу маҳсулотлар ҳақиқатдан ҳам етказиб берувчининг склади бўлиши.</li> <li>4. Маҳсулот учун сертификат(ёки унинг урнини босувчи ҳужжатлар) бўлиши.</li> </ol>
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Етказиб берувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган нуқсон ва бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан кўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан 89 125 000с (Саксон туккиз миллион бир юз йигирма беш минг) сўмлик режалаштирилган.
7	Товар тури	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Кришка для счётчик-300 дона</li> <li>2. Щит каскад-1 дона</li> </ol>
8	Товарларни етказиб бериш муддати	2022 йил 31 декабргача

10	Молиялаштириш манбаи	Янгикурган туман хокимлиги
11	Маъсул шахс	Тулабаев Фарход
12	Телефон раками	+998996503535